

Нортўхта Килич замонавий адабиётимизнинг кенжа авлодига мансуб истеъдод сохибидир.

Нортўхта Килич 1946 йили Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги Гишти кишлогида тугилган. 1971 йилда Тошкент Давлат дорилфунунини тугатгач, «Бухоро хакикати», «Хоразм хакикати», Тошкент окшоми» рўзномаларида, «Шарк юлдузи» ойнамасида ишлаган. Хозир Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат матбаа бирлашмасида наср бўлими мудири бўлиб хизмат килмоқда.

Нортўхта Киличнинг илк хикоялари 60-йиллари туман рўзномасида босилиб чиккан. Унинг «Оппок тонг» номли биринчи хикоялар тўплами 1981 йилда нашр килинган. Ўшандан бери унинг «Ёронгул» (1981), «Мўжиза» (1984), «Чигирик» (1988) «Байрам» (1991), «Илтижо» (1992) номли хикоялар ва киссалар тўпламлари нашр этилган.

Нортўхта Киличнинг «Байрам» тўпламнга кирган кисса ва хикоялари адиб ижодининг сараси бўлиб, унда муаллиф инсон тақдири ва хаёт маъноси хакида фалсафий мушохада юритади. Асар марказига сайланган воқеалар кўп холларда драматик, ўткир теранлиги билан ўз китобхонини жалб этади. Айникса, ундаги кахрамонлар ўзларининг маънавий-ахлокий поклиги, озодабахшлиги билан ўқувчига катта маънавий озик беради, эстетик завк багишлайди. Шунингдек, адибнинг кўп асарлари ўзининг бадиий тили, содда, оддий, равонлиги билан уларнинг ўқимишли бўлишини таъминлайди.

Ёзувчи хикоялари козок, коракалпок, белорус, украин ва рус тилларига таржима килинган.